



МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билimli инсонларга боғлиқ. Шу боис, охириги тўрт йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Энди мамлакатимиз янги даврга қадам қўймоқда. Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида туртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ҳаёт-мамонт масаласи эканини таъкидлади.

— Бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустақкам қўйишимиз керак. Бунга барча эътиборимиз ва ресурсларимизни сафарбар қиламиз. Қийин йўлни танлаямиз, лекин шу йўл муаммоларни ечади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мактабларни яхшилаш фақат Халқ таълими вазирлигининг эмас, балки барча вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, илмий ташкилотлар, зиёлилар, кенг жамоатчилиكنинг вазифаси бўлиши кераклиги таъкидланди.

Хусусан, мамлакатимиз бўйича 10 минг 130 та мактабни ислоҳ қилиш зарур. Бу 6 миллиондан зиёд ўқувчилар, 500 мингдан ортиқ муаллимлар, умуман, жамиятимизнинг барча қатламлари, ҳар бир оиланинг келажагига дахлдор.

Йиғилишда, аввало, соҳадаги муаммо ва долзарб масалалар кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда 1 минг 695 та мактаб муқаммал таъмирга муҳтож. Афсуски, ҳанузгача 179 та пахсадан қурилган мактаб бор. 3 мингдан зиёд мактаб учун қўшимча ўқув бинолари зарур. 2 мингдан ортиқ мактабда спорт зал йўқ.

Бундан ташқари, янги массивлар барпо этилиши, қишлоқ инфратузилмаси кенгайиши ва аҳоли ўсиши ҳисобига яна 270 та мактаб қуришга эҳтиёж бор.

Шу пайтгача фойдаланиб келинаётган таълим стандартлари, ўқув дастурлари фақат назарий билим беришга йўналтирилган бўлиб, болаларни мантикий фикрлашга, амалиётга, ҳаётга ўргатмаяпти.

Мактабларда ишлаётган 504 минг педагогдан 60 минг нафари ўрта махсус маълумотли, 190 минг нафарида эса умуман малака тоифаси йўқ. Кўп педагоглarning билими ва маҳорати етарли эмас. Ўқитувчи сифатли дарс ўтишга эмас, “кўпроқ соат олиш”га интилади.

Тизимда ҳанузгача 200 дан ортиқ ҳисоботлар мавжуд, ўқитиш, тадбирлар ўтказиш каби жараёнлар ҳаддан ташқари қолипга солинган. Мактаб кутубхоналаридаги китоб фонди йиллар давомида янгиланмаган. Атиги 615 та мактабда миллий мусиқа анжомлари мавжуд.

Мактабларни баҳолаш, уларни аттестация ва аккредитациядан ўтказиш номига бўлиб, таълим-тарбия муҳитини яхшилашга хизмат қилмайди.

Бу каби камчиликлар халқ таълими тизимида барча ёндашувларимизни тубдан қайта қўриб чиқиш, уларни мутлақо такомиллаштиришни талаб қилади. Шу боис, мактабларнинг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфасини янгилаш, таълим сифатини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш бўйича катта ислохотлар бошланиши айтилди.

— Умуман, ўқитиш методикаси, дарсликлари, партадан тортиб, биносигача тўлиқ қайта қўриб чиқамиз. Таълимга, муаллимга шароит яратмасак, жамият ўзгармайди. Туман, вилоят ва республика даражасида Мактаб таълимини ислоҳ қилиш кенгашлари тузилади. Республика кенгашига шахсан ўзим раҳбарлик қиламан. Туман ва вилоят кенгашларига эса ҳокимлар бош бўлади, — деди Президент.

Бу кенгашлар соҳага оид ишларни халқ билан кенгашиб, ўқитувчилар,

ота-оналар ва мутахассисларнинг фикрлари асосида ташкил қилади.

Йиғилишда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Келгуси беш йилда 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни ташкил этиш зарур. Давлатимиз раҳбари янги мактаблар ва мавжудлариди қўшимча бинолар қуриш орқали қувватларни ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Энди бу ишлар билан вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари шугулланиши таъкидланди. Давлат томонидан ажратиладиган маблағдан ташқари маҳаллий бюджет тушумларининг ҳам бир қисми мактабларга йўналтирилади. Энг муҳими, янги мактаблар маҳалла фаоллари, ота-оналар ва жамоатчилик назорати остида қурилади ва фойдаланишга қабул қилинади.

Қурилиш вазирлигига янги талаблардан келиб чиқиб, “намунавий мактаб” лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Шароитдан кейинги иккинчи муҳим масала бу — мактаблардаги муҳит. Давлатимиз раҳбари бунинг учун бошқаруви ислоҳ қилиш зарурлигини таъкидлаб, халқ таълими бўлими мудирлиги ва мактаб директорлигига малакали менежерларни тайинлаш, хориждан мутахассислар жалб қилиш бўйича тавсиялар берди.

Халқ таълими вазирлигига ушбу мутахассисларга аниқ натижага асосланган талаб ва мезонларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Қўри малакали, изланувчан, ўзининг “маҳорат мактаби”га эга муаллимларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар белгиланди. Унга кўра, Халқ таълими вазирининг жамғармаси ташкил этилади ва унга дастлаб бюджетдан 300 миллиард сўм ажратилади. Жамғарма маблағлари илгор педагогик технологияларни жорий этаётган, ўқувчилари

юқори натижаларга эришган муаллимларга ҳам берилади.

Яна бир ташаббусга кўра, ҳар бир вилоятда педагогика институтлари, университетлар, академик лицей ва ихтисослашган мактаблар ўқитувчиларидан иборат “мобиль методик гуруҳлар” ташкил қилинади. Улар таълим сифати паст бўлган мактабларга бориб, педагогларга янгича ўқитиш услубларини тушунтиради ва кўмаклашади. Бунинг учун уларга алоҳида ойлик устамалари берилади.

Педагог кадрларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан такомиллаштирилади. Бунинг учун Тошкент шаҳридаги 5 та ҳамда ҳудудлардаги 17 та олий таълим муассасалари доимий тарзда мактабларга бириктирилади. Талабалар 1-курсданок мактаблар билан боғлиқ тарзда ўқийди. Бу орқали ҳам талабанинг, ҳам мактаб ўқитувчисининг, ҳам олийгоҳ муаллимининг касбий маҳорати ошади.

Мактабларда ўқув юкмаси ва дарслар сонини қайта қўриб чиқиш, болаларни фикрлашга қорлайдиган методикаларни жорий қилиш, дарсликларни илгор тажрибалар асосида тўлиқ янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт ва санъат тўғрақларини фаоллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар жуда муҳим эканини таъкидлаб, мутасаддиларга халқаро ташкилотлар билан биргаликда стратегия ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Шу асосда Мактаб таълимини ривожлантириш дастури қабул қилиниши белгиланди.

Йиғилишда вазирлар ва ҳокимлар, юртимизнинг барча ҳудудларидан муаллимлар ва мактаб директорлари ўз тақлифларини билдирди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

ИНСОН ҚАДРЛАНГАН ЮРТГА АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИ ЁҒИЛАДИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Яхшиликлар, хайрли ишлар бардавом бўлиб, инсон қадри улуғланган юрт доимо тараққий этади. Халқи ҳамжихатликда, меҳр-муруватда умргузаронлик қилади. Шу боис, мамлакатимиздаги бош ислохотларда инсон шаъни, унинг кадр-қимматига катта эътибор берилмокда.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимизда инсон қадри улуғланишига доир вазифалар белгиланди. Боиси, инсон қадрини улуғлаш энг олий фазилат бўлиб, юртимиздаги ислохотларнинг мантикий давомидир.

Давлатимиз раҳбари “Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баланд-парвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз

ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”, дея таъкидлади.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қариб 20 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини 2022 йилда 1,5 бараварга ошириш ҳамда қўшимча 1,5 миллион янги иш ўринларини яратиш имкониятлари мавжуд.

Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш мақсадида:

1. Республика ҳудудларининг аҳолиси сони ва зичлиги, географик жойлашуви, ихтисослашуви ва инфратузилма билан таъминланганлиги

даражасидан келиб чиқиб, хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилансин:

а) ҳар бир туман ва шаҳарларда: бюджет маблағлари ҳисобига 2021-2022 йилларда шахарсозлик лойиҳалари асосида муқаммал таъмирланган, ташқи ёритиш, суғориш ва дренаж тизимлари модернизация қилинган, пиеда ва велосипед йўлакларни қурилган ҳамда аҳоли гавжум бўлган қўчаларни савдо, хизмат кўрсатиш, сайлгоҳ ва кўнгилочар қўчаларга айлантириш;

рақамли хизматлар улушини босқичма-босқич ошириш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш ва сифатли алоқа ва интернет хизматлари қамровини, шунингдек, “Электрон ҳуқуқмат” тизими мактабларидан фойдаланиш қўламини кескин кенгайтириш;

Давоми 2-бетда

ЮРАКЛАР ДАРДИНИ ТИНГЛАБ...

ТИББИЁТ



Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда юрак-қон томир хасталиклари умумий ўлим сонининг 60 фоизини ташкил этмокда. Ҳар 5 дақиқада бир нафар фуқаро юрак-қон томир касаллигидан вафот этади.

Бирламчи тизимда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва эрта аниқлаш борасидаги ишлар тизимли равишда йўлга қўйилмаган. Юртимизда энг хавфли ҳисобланган артериал гипертензия ва юрак-ишемик касаллиги 5 ва 2,5 фоиз ҳолатда аниқланган. Ваҳоланки, ЖССТ маълумотига кўра, артериал гипертензия 30 фоиз, юрак-ишемик касаллиги эса 15 фоиз ҳолатда аниқланиши керак.

Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ТОИФАЛАРИНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кўмакка муҳтож фуқароларга ва ёлғиз кексаларга пул ёрдами кўрсатиш қўламини кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги “2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ – 3227-сон Фармонида мувофиқ имтиёзли тоифадаги шахслар учун уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тўловлари (кейинги ўринларда — компенсация тўлови) жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

а) компенсация тўлови, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тўлаб борилади;

б) ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилади.

Бунда ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи миқдориди тўланади;

в) ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ойда — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи миқдориди қўшимча тўлов белгиланади.

Бунда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар нафақасига ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов пенсия ва нафақа тайинланган ташкилот орқали республика бюджетидан кенг ёритиш ишларини Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармон мақсади, вазифалари ва бундан қўйлаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга ҳамда компенсация ва қўшимча тўловларнинг фуқароларга пенсия ва нафақа тўланадиган муддатларда тўлаб борилишини таъминлашга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 январь



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МАХСУС

“Ҳиндистон – Марказий Осиё” саммити томонлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари раvнақининг янги қирраларини очиб берди

“Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи видеосаммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро эксперт-таҳлил доиралари вакилларида акс-садо берди. Қуйида улар томонидан ушбу муҳим мавзу юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар келтирилмокда.

Давоми 4-бетда

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАСИ ШҲТ ДОИРАСИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазири Жамшид Қўчқоров раислигида 28 январь куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар вазирлик ва идоралари раҳбарларининг камбағалликни қисқарттириш масалалари юзасидан онлайн учрашуви ташкил этилди.

Тадбирда ШҲТ Бош котиби Чжан Мин, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон ва Россия Федерациясининг ихтисослашган вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Ташкилот Бош котиби Чжан Мин муайян соҳаларда камбағалликни қисқарттириш йўналишлари, қўлланиладиган механизмлар юзасидан тажриба ва маълумот алмашиш муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Йиғилиш раиси Жамшид Қўчқоров сўнгги йилларда мамлакатимизда камбағалликни қисқарттириш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида атрофлича маълумот бераркан, ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТ ва БМТ саммитларида илгари сурган ташаббуслари доирасида амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказлари ҳамда бошқа шаҳарларда кўпи билан ҳар 3-5 та маҳалла учун аҳоли гавжум бўлган кўчани ободонлаштириб, пйёдалар йўлакчаларини кенгайтириш ва уларни ёритиш орқали маҳаллалараро савдо-хизмат кўчасини ташкил этиш;

в) аҳолиси 300 мингдан кам бўлган туманларда:

саноат ва хизматлар соҳаси юқори суръатларда ривожланиб бораётган туманларда — савдо, меҳмонхона, овқатланиш ва логистика хизматларини, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва кўнгилочар масканларини ташкил этишга устуворлик бериш;

тоғли, тоғолди, рекреацион туризм салоҳияти юқори туманларда — автомобиль йўллари, электр энергияси ва ичимлик суви таъминоти ҳамда бошқа инфратузилмани яхшилаш ва тайёр лойиҳалар асосида туризм хизматларини ривожлантириш;

чегара ҳудудларда жойлашган ҳамда ҳудудидан халқаро автомагистраль ва темир йўллар ўтган туманларни — савдо, туризм, логистика ҳамда йўл бўйи хизматларини кўрсатишга ихти-сослаштириш;

қишлоқ ҳужалиги улуши юқори бўлган туманларда — замонавий агрохизматларни ривожлантириш;

г) ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда — замонавий бозор хизматлари, таълим, тиббиёт, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш;

д) Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида — юқори даромадли хизматларни, айниқса, йирик савдо ва кўнгилочар хизмат кўрсатиш объектларини кўпайтириш, таълим ва тиббиёт муассасалари жойлашган ҳудудларда ихтисос-ластерлар ташкил этиш.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағал-лиқни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуни-кацияларини ривожлантириш вазирлиги-нинг қуйидаги тақлифларига розилик бе-рилсин:

а) 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кў-рсатиш, компьютер хизматлари, маийшй техникани таъмирлаш, агро ва ветери-нария хизматларини кўрсатувчи ҳамда кўнгилочар масканларда хизматлар кў-рсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгилаш. Бунда:

мазкур солиқ имтиёзи тадбиркорлик субъектлари томонидан, агар уларнинг мазкур кичик бандда кўрсатилган фао-лият турларини амалга оширишдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) дав-ри якуналари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этса, қўлла-нилади;

мазкур кичик бандда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳодимлар сонини яшириш ҳолатлари аниқланганда, мазкур солиқ имтиёзининг амал қилиши тўхтатилади ҳамда қонун-чиликда белгиланган молиявий санкция-лар қўлланилади;

б) тадбиркорлик субъектларига 2022 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхона (жойлаш-тириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари (шу жумладан, улар эгал-лаган ер участкалари) бўйича:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мул-кига солинадиган солиқ ставкаларини

90 фоизга камайтириш. Бунда 2027 йил 1 январгача янгидан қўрила-диган объектларга (шу жумладан, улар эгаллаган ер участкасига) нисбатан маз-кур имтиёзини улар фойдаланишга топ-ширилган ойдан бошлаб 5 йил муддат давомида қўллаш;

фойда солиғини ҳисоблашда бино-ларнинг қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида че-гириш ҳуқуқини бериш;

в) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар 1-иловада келтирилган туман ва шаҳарларда бел-гиланадиган туризм ҳудудларида рўй-хатдан ўтган ҳамда ушбу ҳудудда умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлашти-риш), савдо, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тад-биркорлик субъектлари учун:

айланмадан олинадиган солиқ ставка-сини — 1 фоиз;

ушбу ҳудудлардаги объектлар ва улар эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорларини — мазкур солиқ-лар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоиз миқдоридда белгилаш.

Бунда туман ва шаҳарларнинг туризм ҳудудлари чегаралари Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазир-лигининг ҳудудий бош бошқармалари ҳулосалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ де-путатлари вилоятлар Кенгашлари томо-нидан белгиланади;

г) жисмоний шахслар томонидан ма-ҳаллалараро савдо-хизмат кўчалари бў-йида жойлашган турар жой объектларини ушбу банднинг “а” кичик бандида келти-рилган хизмат кўрсатиш турлари бўйича нотурар жой объекти тоифасига ўтказил-ганда 2024 йил 1 январга қадар уларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғи-нинг жисмоний шахслар учун ўрнатил-ган ставкасини сақлаб қолтиш;

д) 2022 йил 1 январдан уяли алоқа операторлари учун уяли алоқа хизматла-рига солинадиган акциз солиғи ставкаси-ни 10 фоиз этиб ўрнатиш;

е) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб қиш-лоқ жойларда антенна-мачта металл конструкцияларини, уларга ўрнатилган ва уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар ҳамда улар эгаллаган ер участкаларини юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан озод этиш.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси, Туризм ва спорт вазирли-ги, тегишли идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Солиқ кодексига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича қонун л-йиҳасини Вазирлар Маҳкамасига кирит-син.

3. Белгилансинки:

а) қуйидагилар 2022 йил 1 феврал-дан 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилади:

2-иловага мувофиқ Ўзбекистон Рес-публикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар;

телекоммуникация операторлари ва провайдерлари томонидан телекомму-никация инфратузилмасини жорий этиш лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Рес-публикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхат бўйича олиб кириладиган техно-логик ускуналар, материаллар, дастурий таъминот ва эҳтиёт қисмлар;

б) мол-мулк солиғини ҳисоблашда ер участкаларида ўрнатилган антенна-мач-та металл конструкциялари ҳамда уларга ўрнатилган ва уларнинг ажралмас қис-ми бўлган конструкциялар (тортиқлар, атрофни ўровчи деворлар, юк кўтариш мосламалари, қақмоқдан ҳимоя қилиш тизимлари, ерга улаш қурилмалари, сиг-нал-ёритиш тизимлари, қўриқлаш сига-низацияси ва видеокузатув тизимлари) кўчмас мулк сифатида қаралади;

в) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб: радиочастота спектрдан фойдала-нувчиларга радиочастота органларининг тегишли рўсатномаларига асосан ра-диочастота спектрдан биргаликда фой-даланиш ҳуқуқи берилди;

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот тех-нологиялари технологик парки дирекция-сига унинг резидентлари томонидан ҳар ой ўтказиладиган ажратмалар миқдори, улар томонидан экспорт қилинган ахбо-рот технологиялари хизматларининг бир йиллик ҳажми 10 миллион АҚШ долл-аридан ошганда 25 фоизга, 20 миллион АҚШ долларидан ошганда 50 фоизга пасайтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ — 5113-сон қарорига мувофиқ, савдо ва кўнгилочар кўчаларда:

кўчма савдо объектлари учун жойлар тадбиркорлик субъектларига электрон он-лайн-аукцион савдосида сотилиши; барча тадбиркорлик субъектларига жамоат хавфсизлиги қондаларига катъий риоя қилган ҳолда, 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритиш ҳуқуқи берил-ганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. 2022 йил 1 июлдан бошлаб маз-кур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ ту-манлар ва шаҳарларда туризм объект-ларини қуриш учун ер участкаларини ҳудудларнинг мастер-режалари асосида ишлаб чиқилган лойиҳа тақлифлари ҳамда зарур инфратузилма билан таъминланган ҳолда электрон онлайн-аукцион савдосига чиқариш тартиби жорий этилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллик-ни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан бир-галикда 2022 йил 1 мартга қадар ҳудуд-ларнинг мастер-режаларини ишлаб чи-қиш учун техник топшириқларни Қурилиш вазирлигига киритади;

Қурилиш вазирлиги (Д.Адилов) тегиш-ли лойиҳа институтлари ва хорижий экс-пертларни жалб қилган ҳолда 2022 йил 1 июлга қадар ҳудудларнинг мастер-ре-жалари ва лойиҳа тақлифлари ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Кадастр агентлиги (Ф.Умаров) Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргалик-да 2022 йил 1 июлдан бошлаб лойиҳа тақлифлари ва инфратузилмага эга бўлган ер участкаларини электрон он-лайн-аукцион савдосига чиқаради.

6. Мазкур қарорнинг 5-бандида назар-да тутилган ҳудудларнинг мастер-режа-ларини ишлаб чиқиш ва ер участкаларини зарур инфратузилма билан таъминлаш ишларини молиялаштириш учун:

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) бир ой муддатда тегишли маҳаллий ҳокимлик-ларга Давлат бюджети ҳисобидан 200 миллиард сўм миқдорида бюджет осу-дасини ажратсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазир-лиги (А.Воитов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) билан биргаликда икки ой муддатда халқаро молия институтлари-нинг 100 миллион АҚШ доллар миқдо-ридаги маблағларини жалб қилсин;

маҳаллий ҳокимликлар бюджет сууда-сини электрон онлайн-аукцион савдоси орқали сотилган ер участкаларидан туш-ган маблағлар ҳисобидан икки йил даво-мида тулиқ қайтарилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) ҳамда Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) ва бошқа олий таълим ташкилотига эга вазирлик ва идораларга олий таълим ва тиббиёт муассасаларининг бино ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва уларни хусусий секторга хизматлар кўрсатиш бўйича ажратиш борасидаги амалга оширилган ишлари қоникарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров) икки ҳафта муддатда Кадастр агентлиги, Иқ-тисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қис-қартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентли-ги, Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ижтимоий соҳа муассаса-ларининг ер майдонлари, бино ва иншоот-ларидан самарали фойдаланиш даража-сини ўрганиш бўйича Комиссия тузилишини таъминласин.

Комиссияга икки ой муддатда: олий таълим ва тиббиёт муассасала-рининг ер майдонлари, бино ва иншоот-ларидан самарали фойдаланиш даража-сини тулиқ ўрганиш;

ўрганиш натижалари бўйича бўш тур-ган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино ва иншоотлар ҳамда улар ҳудудида-ги бўш ер майдонларини аниқлаш вази-фаси юклатилсин.

Қурилиш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва кам-бағаллиқни қисқартириш вазирлиги, Дав-лат активларини бошқариш агентлиги би-лан биргаликда:

ўрганиш асосида аниқланган самара-сиз фойдаланилаётган ёки бўш турган йирик ижтимоий соҳа объектларининг мастер-режаларини уч ой муддатда иш-лаб чиқсин;

мастер-режаларга мувофиқ, самара-сиз фойдаланилаётган ёки бўш турган биналар ва ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш ёки давлат-хусу-сий шериклик асосида хусусий секторни жалб этган ҳолда янги турдаги таълим ва тиббиёт хизматларини ташкил этиш чо-раларини кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллик-ни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов), Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) ва тижорат банклари билан биргаликда хиз-мат кўрсатиш объектларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, инфратузилма билан таъмин-ланган ер участкаларини электрон-онлайн аукцион савдосига чиқариш, қўп кварта-рига уйларнинг биринчи қаватлари ва ертў-лаларида хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш бўйича лойиҳа тақлифла-рини ишлаб чиқиш ва уларни молиялаш-тиришга қўмақлаштириш орқали:

2022 йил 1 сентябрга қадар 3-илова-га мувофиқ туман ва шаҳарларнинг мар-казий кўчаларини савдо, кўнгилочар, гастрономик, туризм ва санъат йўналиш-ларига ихтисослашган махсус савдо ва кўнгилочар кўчаларга айлантириш;

2022-2023 йиллар давомида 4-илова-га мувофиқ “Янги Ўзбекистон” массив-ларида хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш;

бир ой муддатда ушбу қарорнинг 1-банди “б” кичик бандида назарда ту-тилган маҳаллалараро кўчаларни бел-гиласин ва уларни 2022-2023 йилларда савдо-хизмат кўчаларига айлантириш чораларини кўрсин;

б) бир ой муддатда зарур инфрату-зилма билан таъминланган ер участкала-рини электрон онлайн аукцион савдосига чиқариш орқали 2022-2023 йиллар даво-мида:

5-иловага мувофиқ йирик туман ва шаҳарларда савдо комплекслари ҳам-да ҳудудий савдо-логистика марказла-ри барпо этилиши;

6-иловага мувофиқ халқаро йўллар бўйида хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилишини таъминласин;

в) бир ой муддатда нодавлат умум-таълим ва мактабгача таълим муасса-саларини қуриш шарти билан 7-иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларда ер участ-калари электрон онлайн-аукцион савдосига чиқарилишини таъминласин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) Ка-дастр агентлиги (Ф.Умаров) билан бирга-лиқда мазкур қарорнинг 4-7-иловаларига

мувофиқ хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш учун аукционларга чиқарила-диган ер майдонларини доимий равишда кўпайтириб бориш чораларини кўрсин.

9. Оилавий тадбиркорликни ривож-лантириш дастури координаторлари (С.Холпужаев, А.Камалов, Д.Султанов) Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) билан биргаликда 2022 йил дастури дои-расида ажратилаётган маблағларнинг 500 миллиард сўми 8-иловага мувофиқ тақсимот бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларга, биринчи нав-батда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган талабларга жавоб бер-илган оилавий меҳмон уйлари (50 мил-лион сўмгача), хостеллар (1 миллиард сўмгача), ўтов лагерлари мажмуаси (300 миллион сўмгача), автокемпинглар (3 миллиард сўмгача), экоуйлар маж-муаси (300 миллион сўмгача), контей-нер шаҳарчалар (600 миллион сўмгача) ва чодирли лагерлар (60 миллион сўм-гача) ташкил этиш ва уларни таъмирлаш лойиҳаларини молиялаштиришга йўнал-тирилишини таъминласин.

10. Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ — 4752-сон қарорига мувофиқ жалб этилган ресурс маблағларининг муддати-дан келиб чиқиб, аввал ажратилган кре-дитларнинг сўндирилган қисми ҳисобидан хизматлар соҳасидаги янги лойиҳаларни (молия соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ва хизматлар соҳасида ай-ланма маблағларни тўлдириш ҳоллари бундан мустасно) молиялаштириш учун 14 фоиз ставкада битта лойиҳа бўйича 2 миллиард сўмгача миқдорда кредит-лар ажратишга рухсат берилсин.

11. “Ўзимиллийбанк” АЖнинг Ўзбеки-стон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги ПҚ — 5113-сон қарори-га мувофиқ “Ўзимиллийбанк” АЖ томони-дан хорижий банклардан жалб қилинган 200 миллион АҚШ доллари миқдори-даги маблағларни барча шаҳарлар ва туманлар марказларида хизматлар со-ҳасини ривожлантириш, шу жумладан, 29 та шаҳар ва 6 та йирик туманларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим объектлари ва йирик савдо комплек-сларини ташкил этиш лойиҳаларини мо-лиялаштириш учун қуйидаги шартлар асосида ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:

“Ўзимиллийбанк” АЖ томонидан 9-ило-вага мувофиқ тақсимот бўйича тижорат банкларига хорижий валютада келишил-ган ставкада 5 йил муддатга молиявий ресурс ажратиш;

тижорат банклари томонидан хиз-матлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (молия соҳасини ривожланти-риш бўйича лойиҳалар ва хизматлар со-ҳасида айланма маблағларни тўлдириш ҳоллари бундан мустасно) учун 5 йилгача муддатга кредитлар ажратиш.

12. Хизматлар соҳасини ривожланти-риш бўйича 2022 йилга мўлжалланган “йўл харитаси” 10-иловага мувофиқ тас-диқлансин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоким-ликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган мезон-лар асосида туман (шаҳар)лар кесимида ишлаб чиқилган хизматларни ривож-лантириш бўйича ҳудудий дастурлар-ни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Бунда мазкур қарорнинг 11 ва 11.1-11.13-иловаларида назарда тутилган

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 27 январь	

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят-лар, ҳар бир туман ва шаҳарда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари инобатга олинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артик-ходжаев) бир ой муддатда Тошкент шаҳрининг Марказий Осиёда энг катта мегаполис ва бизнес марказ сифатида мавқеини кучайтириш, тарихий ва мада-ний жиҳатларини замонавий ривожланиш тенденциялари билан уйғунлаштириш орқали хорижий ва маҳаллий турист-лар учун шаҳарнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда хиз-матлар соҳасини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. 2022 йил 1 февралдан бошлаб Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар ой Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик, идора-лар ва ҳокимликлар томонидан янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оши-риладиган ишлар самарадорлигини тан-қидий ўрганиш ва уларнинг фаолияти-га баҳо бериш амалиёти жорий этилсин.

15. Иқтисодий тараққиёт ва камбағал-лиқни қисқартириш вазирлигининг мар-казий аппарати тузилмасида вазирлик бошқарув ҳодимларининг умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида 12 штат бирлигидан иборат Хизматлар-ни ривожлантириш бўйича ҳудудларнинг мастер-режаларини ишлаб чиқишни му-вофиқлаштириш департаменти ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

хорижий экспертларни жалб этган ҳол-да ҳудудларнинг хизмат кўрсатиш соҳа-сидаги ихтисослашувини аниқлаш, улар асосида туман ва шаҳарларда хизмат-ларни ривожлантиришнинг концепцияла-ри ва мастер-режаларини ишлаб чиқиш; ҳудудларнинг мастер-режалари асо-сида инфратузилма ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ва дастурларини шаклланти-риш;

ҳудудларда хизматларни ривожланти-риш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига методологик қўмак бериш.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ — 5113-сон қарорига 12-иловага муво-фиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва кам-бағаллиқни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка мазкур қа-рордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳ-камасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ихросини сама-рали ташкил қилишга масъул ва шах-сий жавобгар этиб иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазири-нинг биринчи ўринбосари И.И.Норқулов, инвестициялар ва ташқи савдо вазири-нинг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов, туризм ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари У.А.Азамов ҳамда Қорақал-поғистон Республикаси Вазирлар Кенга-ши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ихросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идора-лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўчоров ва А.А.Абдухакимов зим-масига юклансин.

Бошланиши 1-бетда

Бу жараёнда энг муҳим йўналиш-ларга ургу берилаётгани, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал секторидagi корхоналарни қўллаб-қувватлаш диққат марказида экани қайд этилди.

Учрашувда камбағаллиқни қис-қартириш бўйича янги дастур қабул қилишнинг институционал асосини яратиш ва мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилган ишлар кўрсатиб ўтил-ди. Жумладан, 2020-2021 йилларда давлат бюджети ҳисобидан нафақа

оладиган оилалар сони 2 баробар ошиб, уларнинг улуши қарийб 15 фоиз-га етди. Камбағаллик даражасини бел-гилашда янги мезон — энг кам истеъ-мол харажати миқдори жорий этилди. Бу ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар-нинг минимал даражасини қайта қўриб чиқиш имконини берди. Масалан, 2021 йилда имконияти чекланган инсонлар учун энг кам пенсия ва нафақа турла-ри, шунингдек, боқувчисини йўқотган оилаларга бериладиган нафақа миқ-дори 10-50 фоиз оширилди.

Тадбир иштирокчилари ўзаро сама-рали шериклиқни йўлга қўйиш, бир қа-рар мамлакатлар ва халқаро ташкилот-

лар билан ҳамкорлик қилиш пандемия оқибатини юмшатиш учун зарур чора ва қарорлар қабул қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

ШХТ таркибидagi давлатларда камбағаллиқни қисқартиришга доир қўлланиладиган чора-тадбирлар, мақсадлар ва янги ёндашувлар, кам-бағаллиқни қисқартириш юзасидан тажриба алмашиш, ташкилотга аъзо давлатларнинг тегишли соҳаларда, жумлад

МУНОСАБАТ

ИНСОН ҚАДРЛАНГАН ЮРТГА
АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИ ЁҒИЛАДИ

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

“ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ 7 ТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИНИНГ ҲАР БИРИГА АЛОҲИДА ТЎХТАЛИБ, ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИНИ АЙТИБ ЎТДИ. ЖОРИЙ ЙИЛДА ИНСОННИ ЭЪЗОЗЛАШ, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҚЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗИШИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИК. УШБУ ДАСТУРИЙ ҲУҶЖАТДА ЯҚИН ВА ЎРТА ИСТИҚБОЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, БУ БОРАДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАН. “ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ”, ДЕГАН ТАМОЙИЛ АСОСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УЗВИЙЛИГИ ВА ДАВОМИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

Бошланиши 1-бетда

Тараққиётимизнинг янги даврида аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида инсон қадрига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси шаклланмоқда, ушбу фазилатлар халқимиз турмуш тарзида тобора мустақкам қарор топиб бормоқда.

Ҳақиқат қибёда билинади. Ўтган йилда 25 та янги масжид очилгани жуда катта тарихий натижа, 96 та жоме масжиди янгидан қурилгани эса мўмин-мусулмонлар учун қувончли воқеа бўлди. Олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларига қабул қоватлари ўтган йилларга нисбатан оширилди. Ўқиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича фан дастурлари ишлаб чиқилди. Икки нафар уламо фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий унвонини олгани, яна кўплаб диний соҳа ходимлари илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётгани соҳада эришилаётган ютуқларнинг тотли меваларидир.

Ўлкамизда ташкил этилган “Қуръони карим ва таъвиф” ўқув курслари сони 21 тага етгани Аллоҳнинг каломига муҳаббатли халқимизни чекисиз мамнун этмоқда. Шу кунга қадар 25 минг кишига қироат бўйича бошланғич илм берилгани ва айни кунларда ушбу ўқув курсларида 2,5 минг киши тахсил олаётгани хайрли ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Аҳолининг диний саводхонлиги ва маърифатини ошириш мақсадида “Ҳидоят сари” курсатуви негизида “Муфтий минбари” руқни, “Madaniyat va ta’lif” телеканалида “Маърифий суҳбатлар” ва “Зикр аҳлидан суранг” номли янги телекурсувлар эфирга узатилаётгани бу борадаги хайрли ишларнинг янги босқичга чиққанидан дарак бериб турибди.

Бу улутвор ишлардан кўзланган асосий мақсад инсон кадр-қимматини улуғлашга қаратилгани билан янада аҳамиятли бўлди. Кўзимиз билан кўриб, баҳра олиб турган бундай эзгу амаллар жорий йилда ҳам давом этади, иншааллоҳ.

Давлатимиз раҳбари Тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналишининг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, энг муҳим жиҳатларини айтиб ўтди. Жорий йилда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, одамларни рози қилиш борасидаги ислохотлар қўламини янада кенг қулоч ёзишига ишонч ҳосил қилдик.

Ушбу дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш босқичлари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар белгиланган. “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”, деган тамойил асосида ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлелигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилги “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” бўйича давлат дастури лойиҳаси ҳам мана шу ҳужжатдан келиб чиқиб тайёрланган.

Хусусан, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таъин бўлинига айлантириш зарурлиги таъкидланди. Учинчи Ренессансга пойдевор яратиш жараёни кечаётган бугунги кунда халқимизнинг диний-миллий қадриятлари, урф-одатлари муҳассам маънавият бешиги бўлган маҳалланинг ўрни ниҳоятда муҳим. Оила ҳамяятнинг асосий бўғини бўлса, маҳалла қадимдан тарбия ўчоғи, одамларнинг аҳиллигида турмуш кечиришни таъминлаб

келган. Айниқса, ўзбек халқининг яхши ва ёмон кунини, дард ва ташвишини, муаммоларини кечинмалари ана шу кўрғонда кечади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар биримиз маҳаллада улғайганмиз, бегубор ёшлимиз, ёдда қоладиган яхши кунларимиз шу гўшада ўтган. Мўсафид отахонлар, нуруний онахонларнинг панду ўғитлари тарбиямизда тамал тоши бўлган, дўстлар билан хурсандчиликларимиз бир умр хотирамизга муҳрланган. Бежиз “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”, дейилмаган. Маҳалла — оилалар жипслигини таъминлаш, баркамол авлодини тарбиялаш, аҳолининг қундалик муаммоларини ҳал этадиган табаррук даргоҳ.



Янгиланаётган Ўзбекистонимизда фуқароларимиз тинчлик ва хотиржамликда муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Шу мақсадда, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти йўлга қўйилди. Президентимизнинг тегишли фармонига кўра, 2022 йил 1 январдан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулдан, шунингдек, ҳар бир маҳаллада туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари иш бошлади.

Демакки, бугун маҳалла ислохот, маърифат ва тарбия масканига айланиб, ваколатлари кенгаймоқда. Айниқса, маҳаллаларда йигит ва қизларга оилавий ҳаёт ҳақидаги, шунингдек, маънавият, одоб-ахлоқ ва руҳий тарбия борасидаги билим ва тушунарларни болалигидан сингдириб бориш жуда фойдали бўлади.

Мана шундай савобли ишларда диний соҳа ходимлари, уламолар ва имом-хатиблар фаол иштирок этмоқда. Имом-хатиб жамиятда одамларнинг кадр-қимматини ўз ўрнига қўйиш ва барча инсоний фазилатларга илҳомлашга асосий тарбиячидир. Имом бор вужуди, илхоси билан кишиларни икки дунёда саодат аҳлидан бўлиши йўлида юксак одоб-ахлоқ, солиҳ амалларни қилишга, адолатли ишларга, фойдали



илм-маърифат ўрганишга, маданият ютуқларидан ижобий суръатда истифода этишга, ҳар бир кишини ота-она, оила, фарзанд, қавм-қариндошлар ўртасида тинч-тотув, ўзаро ҳурмат ва муҳаббат руҳида яшашга қорлайди.

Исплом инсон қадрини ҳамма вақт, ҳар ерда улуғлашни буюрган, унинг шарафини олий даражага кўтарган. Динимизда инсон азиз ва муқаррам зот сифатида улуғланади ҳамда киши ҳаётининг руҳий ва маънавий жиҳатдан қимматлиги етишишига катта эътибор беради.

Ҳақ таоло инсонни Ўзи яратган барча жонзотлардан афзал қилган. Яратган Парвардигор одамзодга бутун борлиқни бўйсундириб қўйган. Фаришталар ҳам инсон Аллоҳ томонидан яратилгани учун унга ҳурмат бажо келтириб, таъзим саждасини адо қилди. Мана шу нарса инсонни олий мақомга кўтарди. Раббоний жон ато этилиши инсон шарафини улуғлади. У энди Ҳақ таоланинг Ер юзидagi ўринбосари, деган муборак номга мушарраф бўлди.



Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик”.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида: “Мўмин киши Аллоҳ таоло наздида фаришталардан ҳам муқаррам ва афзалдир”, деб марҳамат қилганлар. Уламолар ушбу ҳадиснинг шарҳида бундай дейди: “Фаришталарни Аллоҳ таоло фақат тоат-иbodат ва баъзи махсус вазифаларини адо этиш учунгина яратган. Шунинг учун уларда ақл бор-у, лекин нафсу шаҳват йўқ. Ҳайвонотда эса нафсу шаҳват бор-у, лекин ақл йўқ. Аммо одамзодда ақл ҳам бор, нафсу шаҳват ҳам бор. Ақл уни тўғри йўлга, савобли ишларга бошласа, нафсу шаҳват фақат нафсини қондириш ва бунинг учун ҳар қандай гуноҳу маъсият ишларга бошлайди. Бинобарин, агар инсоннинг ақли нафсу шаҳватидан ғолиб келиб, унинг амрига мувофиқ ҳаракат қилса, демак у фаришталардан ҳам улуғ мақомда юрган бўлади”.

Юқоридаги ояти қаримада Аллоҳ таоло: “Инсонни азиз ва муқаррам қилдик”, деб марҳамат қилади. Тафсир китобларида инсоннинг қайси неъматлар туфайли муқаррам экани тўғрисида кўп мисоллар келтирилган. Баъзи муфассирлар мазкур оятни шарҳлаб, инсонга ато этилган неъматларни иккига тақсим қилган. Биринчиси, жисмоний неъматлар. Бунга мисол сийҳат-саломатлик, тинч-фаровон турмуш қабилар. Иккинчиси, маънавий неъматлар бўлиб, унга имон, ислом, ҳидоят, ахлоқ, инсофу тавфиқ сингари ижобий сифатларни мисол қилиш мумкин.

Аллоҳ таоло Ўз неъматларини зикр қилишдан мақсад замирида ҳар бир инсон ато этилган беҳисоб неъматларга шукр қилсин, бу нарсаларнинг қадрига етиб, фақат хайрли ва фойдали ишларга сарф этсин, деган маъно жамланган.

Демак, инсоннинг руҳий-маънавий олами бой бўлса, унинг кадр-қиммати шунча ошади. Инсон қанча имонли, диёнатли бўлса, Аллоҳга муҳаббати ва итоати қанчалик улуғ бўлса, шундагина унинг даражаси юқори бўлади.

Аллоҳ инсонни ақл ва идрокда бутун махлуқларидан муқаррам айлаб, унга Ердаги ҳамма нарсани бўйсундириб қўйди. Ҳақ таоло юқоридаги ояти қаримада одам боласини борлиқдаги ҳамма нарсадан азизу муқаррам қилиб яратганининг хабарини бермоқда: “Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу муқаррам қилиб қўйдик”.

Ҳақ таоло инсониятнинг азиз жисмини гўзал, беқиёс ва муқаммал яратган. Бу ҳақда Қуръони карим “Тин” сурасининг 4-ояти қаримасида “Батаҳқиқ, Биз инсонни энг яхши суратда яратдик”, деб марҳамат қилади.

Президентимиз раислигида ўтган йилигишда муҳокама қилинган долзарб масалалардан яна бири — йўлларда ҳавфсиз шароит яратиш, транспорт ҳодисалари ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш учун ҳаракатларни бошқаришни рақамлаштириш, ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқишни қучайтиришга ургу қаратилди.

Ҳақиқатан, сўнгги вақтларда атрофимизда йўл-транспорт ҳодисалари шунчалик кўпайдики, айримларини эшитиб қалбимиз жуда маҳзун бўлмоқда. Минг афсуски, бунинг ортидан юзлаб инсонлар вафот этаётгани ёки бир умрга ногирон бўлиб қолаётгани ҳам ҳар биримизни зийракликка қорлаши керак. Биргина Тошкент шаҳрида 2021 йилнинг 11 ойида пиедалар иштирокида 524 йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Оқибатда 32 киши олган тан жароҳатлари туфайли ҳалок бўлган. Яна 487 кишига турли даражада шикаст етган.

Таъкидлаш керакки, исломда йўл ҳаракати қоидалари Қуръон ва ҳадис, уламоларнинг ушбу манбалардаги умумий қоидалар асосида чиқарган ҳукмлари билан тартибга каҷирилади. Шунингдек, ислом фуқаролари тақдим қилган ҳужжатлар асосида пиеда бўлсин ёки уловда бўлсин, ҳар бир мусулмон йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиши шаръий жиҳатдан вожиб эканига иттифоқ қилинган. Шу боис, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш борасида фатвои ҳам эълон қилинган. Унда, мазкур қоидалар ислом шариатиға мос экани, мусулмонлар ушбу қоидаларга эътиқодан амал қилиши лозимлиги каби масалалар батафсил баён этилган.

Барча йўл қоидалари аслида инсоннинг жони ва молини асраш мақсадида тузилган. Бу эса ислом аҳкомларида ҳимоя қилиш кўзда тутилган ҳамда шариат мақсадларига мувофиқ ҳисобланади. Мусулмон киши йўл қоидалари, одоб ва маданиятга амал қилиши қимдир назорат қилаётгани учун эмас, балки динимиз шариати талаби, деб эътиқод билан бажариши керак. Шунда йўлда юриш ҳам ибодатга айланади, нохушлиқларнинг олди олинади, иншааллоҳ.

Сўзимнинг ниҳоясида шуни қайд этмоқчиманки, давлатимиз раҳбари айтганидек: “Ишонтариб айтаманки, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”, деган қимматли сўзи замирида юқорида баён этилган эзгу мақсад ва муддаолар муржаамдир.

Аллоҳ таолодан халқимизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳонадонларига тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

НУҚТАИ НАЗАР

Дастур ижроси
доимий кун тартибида бўлади

Эркинжон ТУРДИМОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида асосий эътибор инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятли. Тараққиёт стратегияси биз, жойлардаги ижро ҳокимияти вакилларига келгуси беш йилда қандай ишларни амалга ошириш кераклиги, бу орқали қандай мақсадларга эришишимиз зарурлиги борасидаги катта дастуриламал.

Тараққиёт стратегиясининг алоҳида эътироф этадиган муҳим жиҳати, унинг маълум бир тоифа одамлар томонидан ишлаб чиқилмаганида. Яъни стратегия кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, уларнинг тақлифлари, фикр-мулоҳазалари билан тўлдирилгани эътиборга молик.

Шу ўринда Тараққиёт стратегияси оддий одамлар ҳаётида қандай акс этади, деган савол туғилиши табиий. Бу фуқароларимиз яхши яшаши, ҳаётдан мамнун, давлатдан рози бўлиши учун яратилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили аҳолининг умумий даромади 51 триллион сўмни ташкил этиб, 24 фоизга ўсишга эришилди. Аҳоли жон бошига эса умумий даромад 12 миллион 900 минг сўмни ташкил этди. Энди келгуси беш йилликда ушбу кўрсаткич 2,5 баробарга ортиб, аҳоли жон бошига ўртача 32 миллион сўмни ташкил этиши кўтилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида аҳоли даромадини жон бошига 16 миллион сўмга етказишни мақсад қилганмиз. Бу мақсадга эришиш учун вилоятда қиймати 8 миллиард АҚШ долларлик 5,5 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши ва 250 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратилиши назарда тутилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ишсизлик даражаси икки баробарга қисқаради.

2022 йилда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида ҳоким ёрдамчилари тавсияси ва ҳулосаси асосида аҳолига 1,3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Мустақил суд ҳокимиятигина
фуқаролар ҳуқуқ ва
эркинликларини адолатли
ҳимоя қилади

Козимжон КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

Давлатимиз раҳбари раислигида Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида адолат, қонун устуворлиги ислохотларимизнинг энг асосий шартини қандай аниқ йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди.

Шу вазифалардан келиб чиқиб айтиш керакки, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали суд назорати ўрналади. Шунингдек, фуқаро ва тadbиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражаси оширилади.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш доирасида муҳим чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Биринчидан, маъмурий судларда мансабдор шахслар қарорлари устидан берилган шикоятларни қўриб қиғиш тизимини тақомиллаштириш орқали суд назоратини кўллаш соҳаси кенгайтирилади.

Маъмурий судлар фуқаро ва давлат ўртасидаги низооларни ҳал қилишини инобатга олиб, судларда исботлаш мажбурияти мансабдор шахсларга юклатилмоқда. Яъни, ҳозирда судларда ваҳларини исботлаш тарафларининг ўзига юклатилгани уларни тенгсиз ҳолатга келтирган. Чунки фуқаронинг имконияти мансабдор шахсга қараганда чекланган.

Иккинчидан, судлар томонидан фуқаро ва тadbиркорларнинг маъмурий суд ҳимоясида экани борасида кенг тарғибот ишлари амалга оширилади.

Учинчидан, судлар тизимида “ягона дарча” тамойили кенг жорий этилади. Бунда судга тааллуқлилигидан қатъи назар, аризалар шу суднинг ўзида қабул қилинади. Яъни, фуқаронинг судма-суд юришига барҳам берилади.



Фуқароларимиз турмуш тарзини янада яхшилаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш бўйича жуда кенг миқёсда амалий ишлар қилинади. Келгуси беш йилда вилоятимизда 1 минг 900 километр йўл шағаллаштирилиб, тупроқ йўллар умуман қолмайди. 8 минг километр йўлларга асфальт ётқизилади, 270 та кўприқда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. 61 мингдан ортиқ эски симёғоч янгисига алмаштирилиб, 2 минг 200 километрдан ортиқ масофага ичимлик сув тармоқлари тортилади.

Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш чоралари қўрилади. Хусусан, биргина “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2022 йилда вилоятда 83 та шароити оғир маҳалладаги 571 километр тупроқ йўлларга шағал, 405 километр йўлга асфальт ётқизилади. Қарийб 12 мингдан ортиқ эски, талабга жавоб бермайдиган симёғочлар янгисига алмаштирилади. 440 километрдан ортиқ жойга ичимлик сув қувурлари тортилади. Айниқса, Самарқанд шаҳрининг қиёфаси тубдан янгиланади ва одамлар учун яшаш қулай бўлган энг яхши шаҳарга айлантирилади.

Тараққиёт стратегиясида кўрсатилган барча йўналиш ва мақсадларнинг вилоятда тўлақонли ижросини таъминлаш учун шахсан ўзим ва уринбосарларим, шаҳар ва туман ҳокимлари ва уринбосарлари, барча тармоқ раҳбарларининг масъулиги таъминланиб, бу масала доимий кун тартибимизда туради ва ижросини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирлар қўрилади.

Мустақил суд ҳокимиятигина
фуқаролар ҳуқуқ ва
эркинликларини адолатли
ҳимоя қилади



Тўртинчидан, суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш ишлари изчил давом эттирилади. Бунда одил судлов соҳасида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, фуқаролар ва тadbиркорларга кўпроқ хизмат кўрсатиш, уларга маълумот бериш ва маълумот олиш тизимли равишда кенгайтирилади.

Бешинчидан, фуқаро ва юридик шахс тижояти асосида қўрилган ишларда ярашувга эришиш механизмининг кенг жорий қилиниб, тарафларга айрим тоифадаги ишлар бўйича келишув битимини тузиш ҳуқуқи берилади.

Олтинчидан, судьялар ҳамжамияти органларининг суд ҳокимияти чинакам мустақиллигини таъминлашдаги ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш, судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмлар яратилади.

Еттинчидан, фуқарога қулай бўлиши учун суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилади.

Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, “Адолат ва қонун устуворлиги — халққил давлат қуриш, инсон кадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир”.

Адолат, бу — давлатчиликнинг мустақкам пойдевори. Жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Фақатгина мустақил суд ҳокимияти фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ва адолатли ҳимоя қилиши мумкин.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МАХСУС

“Ҳиндистон – Марказий Осиё” саммити томонлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари равнақининг янги қирраларини очиб берди

Бошланиши 1-бетда

**Анил ШАСТРИ,
“Ҳиндистон — Ўзбекистон”
дўстлик жамияти раиси:**

— “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммити онлайн шаклда ташкил этилди. Ушбу олий даражадаги ва тарихий аҳамиятга молик тадбир Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтди.

Бугунги кунда бутун дунёдаги мураккаб вазиятни инобатга олган ҳолда, мазкур саммит ўта долзарб ва ўз вақтида ташкил этилди, деб ҳисоблайман. Анжуман давлат раҳбарлари учун ҳамкорликнинг кенг қўламли ва томонлар учун бирдек муҳим бўлган масалаларни муҳокама қилишга имконият яратди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Ҳиндистон



халқлари ўртасидаги тарихий алоқаларнинг мустаҳкам илдизлари минг йилликлар қаърига бориб тақалади. Мавжуд тарихий аъёнларимизнинг давоми сифатида бугунги кунда ҳам халқларимиз, давлатларимиз ўртасида савдо-сар-

мовий муносабатлар, маданий-гуманитар алоқалар кун сайин ривож топиб, янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Давлат раҳбарлари ўз чиқишлари давомида барча учун умумий бўлган маданий ҳамда маънавий меросни ўзаро муҳофаза қилиш ва ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

“Ҳиндистон — Ўзбекистон” дўстлик жамиятининг раҳбари сифатида жамиятимиз аъзолари ушбу саммит доирасида эришилган келишувлар ва ўртага ташланган тақлифлари амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёр эканлигимизни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги барча дўстларимизни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқадиган ушбу муҳим саммитнинг муваффақиятли ташкил этилгани муносабати билан самимий табриклайман.

**Рашмини КОПАРКАР,
Жавоҳарлал Неру
университети Марказий
Осиё ва Россия
тадқиқотлари марказининг
доценти (Ҳиндистон):**

— Сўнгги ўн йилдан зиёд давр мобайнида Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараёнларни тадқиқотчи сифатида катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Зотан, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишончга асосланган яқин ва дўстона алоқалар изчил давом этиб келмоқда.

Биз Ҳиндистон Бош вазир Нарендра Модни ва Марказий Осиёнинг беш мамлакати етакчилари иштирок этган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” виртуал саммити муваффақиятли ўтганининг гувоҳи бўлдик.

Бош вазир Нарендра Модни ўз нутқида Марказий Осиё Ҳиндистоннинг “кенгайтирилган қўшнчилик” сиёсатидаги минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлиқни ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатларида марказий ўрин тутишини алоҳида таъкидлади. Шунинг-



дек, у мазкур форматдаги мулоқотнинг асосий мақсадларини санаб ўтар экан, келгуси йилларда ушбу ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича аниқ “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш лозимлигини маълум қилди. Мазкур саммит томонлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг янги қирраларини очиб беради, деб ўйлайман.

“Ҳиндистон — Марказий Осиё” виртуал саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев фаол иштирок этди.

Ўзбекистон етакчиси ўз нутқида Ҳиндистоннинг жадал суръатлар билан ривожланаётгани, шунингдек, унинг дунё миқёсида ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятини эътироф этди. Президент Шавкат Мирзиёев Ҳиндистонни муҳим стратегик ҳамкор деб билишини таъкидлар экан, минг йиллар давомидаги бой маданиятимиз, урф-одат ва маънавий қадриятларимиз ҳамда икки мамлакат халқларининг асрий тижорий алоқалари ҳақида сўз юритди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан яқин шериклик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш тарафдори эканини амалда намоён этиб келмоқда.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқнинг юқори даражаси мудофаа, терроризмга қарши курашиш, савдо, инвестиция, таълим, мутахассислар малакасини ошириш, табиёат, туризм ва бошқа соҳаларда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Ушбу муҳим паллада мен тадқиқотчи сифатида Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларда, хусусан, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларида янги чўққилар забт этилишига ишонч билдираман.

**Нина ЛИНДА,
Латвия Фанлар академиясининг
Иқтисодиёт институти директори:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бундай тадбирлардаги ҳар бир нутқида минтақавий ва минтақаларо миқёсдаги жуда муҳим ва долзарб ташаббусларни ўртага ташлайди.

Чекланган бозор ва иқтисодий макон, жумладан, пандемия билан боғлиқ шароитда Ўзбекистон

Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги жараёнларини чуқурлаштириш, авваламбор, иқтисодий ҳамкорлик масалаларини биринчи ўринга қўйиш, икки минтақанинг тарихий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, транспорт алоқалари ва инфратузилмасини самарали ривожлантиришни таъминлаш бўйича муҳим вазифани ўз зиммасига олди.



Ўзбекистоннинг ушбу саммит доирасида Марказий ва Жанубий Осиёни бирилаштирувчи транспорт ва логистика инфратузилмасини қуришнинг устувор масалаларини жадал тарғиб қилишининг аҳамиятини юқори баҳолаш керак.

Бундай мулоқотнинг ривожланиши нафақат иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик ҳаракатчанлигини оширишга кўмаклашади, балки одамлар ўртасида бевосита яқин алоқаларни тиклаш, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратди.

**Пармжит СИНГХ,
Осиё–Тинч океани технологиялар ва
инновациялар университети раиси (Малайзия):**

— Президент Шавкат Мирзиёев таълим, соғлиқни сақлаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги фаол ҳамкорлик орқали инсон капиталини ривожлантириш, иқтисодий шериклиқни чуқурлаштириш ва “яшил” тараққиётни рағбатлантириш, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни “Ҳиндистон — Марказий Осиё” ҳамкорлигининг стратегик устувор йўналишлари сифатида кўрилишини таъкид этди.


Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон ташаббуслари, жумладан,



— Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида тадбирнинг аҳамияти, хусусан, стратегик шериклиқни чуқурлаштириш ва узоқ мuddатга мўлжалланган минтақавий ҳамкорлиқнинг янги кун тартибини шакллантириш муҳимли-

Ҳиндистон — Марказий Осиё соғлиқни сақлаш форумининг ҳар йили ўтказилиши, шу каби форматдаги Ишбилармонлар кенгаши фаолиятига янги ўсувчанлик бағишлаш ва қўшма олий ўқув юртларини очиб алоҳида эътиборга лойиқ ташаббуслардир.

Мазкур саммит кўп томонлама муносабатлар кун тартибини янгилаш ва самарали ҳамкорлиқнинг йўналишларини аниқлашга хизмат қилди, деб ҳисоблайман. Ишончим комилки, янги формат Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатларининг узоқ истиқболда муш-



тарак равнақ топишига, улкан минтақанинг тинч-осойишта ривожланишига хизмат қилади.

**Хесус ХИЛ,
Мадрид автоном университети профессори, Испания
Шарқшунослар уюшмаси бош котиби:**

гини алоҳида таъкидлади. У стратегик устувор йўналишларни аниқлаб, “Ҳиндистон — Марказий Осиё” форматида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича аниқ тақлифларни илгари сурди.

Умуман олганда, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги, минерал ресурсларни қазиб олиш соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш мамлакатларга катта фойда келтиради, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, Ҳиндистон билан

ҳамкорлик транспорт йўлақларини диверсификация қилиш ва Ўзбекистоннинг Ҳинд океанига чиқиши учун муҳим аҳамиятга эга.


Сиёсий, маданий-гуманитар мулоқот хусусида тўхталиш асосида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий алоқалар боғлаб туришини алоҳида қайд этишни истардим. Ишонч билан айтишим мумкинки, икки давлат ўртасидаги кўп асрлик ҳамкорликка асосланган сиёсий-дипломатик муносабатлар бизнинг замонамизда намунали кўрсаткич сифатида хизмат қилмоқда.

**Гўзал МАЙТДИНОВА,
Россия–Тожикистон (славян) университетининг
Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори, тарих
фанлари доктори, профессори:**

— “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммити якунлари бўйича Дехли декларацияси қабул қилинди. Декларацияда дўстлик алоқалари ва давлатлар ўртасидаги кўп қиррали шериклиқни мустаҳкамлашнинг асосий масалалари бўйича умумий ёндашувлар ўз ифодасини топди. Саммитда Марказий Осиё ва Ҳиндистон давлат раҳбарлари ривожланиш ва минтақавий хавфсизлиқнинг кўллаб муҳим масалалари юзасидан ўхшаш нуктаи назарларини билдирди.

Ўзбекистон Президенти минтақа давлатларининг Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларида учта стратегик муҳим устувор йўналишни — таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол ҳамкорлик, иқтисодий шериклиқни чуқурлаштириш ва маданий-гуманитар соҳани кенгайтириш орқали инсон капиталини ривожлантиришни белгилаб берди.

Марказий Осиё давлатларини модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон раҳбарининг дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, эмлаш сертификатларини ўзаро тан олиш, вирусологларни тайёрлаш, аънавий табиёт усулларини жорий этиш, янги қўшма университетлар ва касб-ҳунар марказларини очиб бўйича тақлифлари жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси рақамли инновацияларни ривожлантириш, финтех ва блокчейн технологиялари, киберхавфсизлик



ва кадрлар тайёрлаш бўйича минтақавий ҳамкорлик дастурини қабул қилиш бўйича ташаббусни илгари сурди.

Ҳиндистон билан дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Президентининг минтақа мамлакатларида ҳинд маданияти ва киноси фестивалларини ўтказиш ташаббуси ҳам дўстлик ва маданий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Мазкур саммит иқтисодий, гуманитар, коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, “Ҳиндистон — Марказий Осиё” форматида амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича аниқ тақлифларни илгари сурди орқали Марказий ва Жанубий Осиё интеграциясига янги туртки бағишлайди.

“Дунё” АА

ЭЛ МАДАДКОРИ

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ТАДБИРКОР АЁЛ:

“Ишбилармонларга бугунгидек эътибор ҳеч қачон бўлмаган”

Кўхна ва азим Бухоро вилоятида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишга йилдан-йилга эътибор ортмоқда. Бу эса бободехқон етиштирган ноз-неъматларни саралаш ва йилнинг тўрт фаслида ҳам белгиланган тартибда сақлаш заруратини туздиради. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, йирик сизимга эга музлаткич камераларда турли-туман қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, айниқса, меваларни сақлаб, ички бозорга етказиб беришдан ташқари, уларни чет элларга экспорт қилаётган бухороликлар орасида тадбиркор аёллар ҳам бор. Ишнинг хотин-қизлар учун одатий бўлмаган йўналишини таллаган Мамлакат Содикова бугунги кунда нафақат Бухоро, балки республикамизнинг таниқли тадбиркорларидан бири.

**“Тадбиркорлик қўлингдан
келадими?”**

Вобкент тумани марказидаги зиёли оилада олтинчи фарзанд туғилди. Қизчақ ёшлигидан ташкилотчилик қобилияти билан ажралаб турар, катта одамлардек фикрларди.

Мамлакат мактабини битириб, турмушга чиқди. Орзулар, мақсад йўлидаги интилишлари тинчлик бермади. У турмуш ўртоғига ўз лойиҳалари ҳақида сўзлаб берди. Ҳарбий офицер унинг кўзларига синовчан тикилиб: “Тадбиркорлик қўлингдан келадими? Агар ўзингга ишонсанг, рухсат бераман”, деди самимий.

Мамлакат розиликни олган, ишга киришди. Дастлаб савдо-сотик ишлари билан шуғулланди. Яхшигина сармояга эга бўлган, бир ташландиқ бинони ижарага олди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва меваларни саралаш, сақлаш, қайта ишлашга киришди.

Интилишлари самарасида 2004 йилда “Замин мадад тайёрлов савдо” масъулияти чекланган жамиятини тузди. “Ипотека банк” филиали ажратган бир миллиард 200 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига 400 ва 450 тонна сизимга эга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сақландиган музлаткич камералар харид қилди. Ишбилармон аёл икки киши билан бошлаган тадбиркорлик субъекти фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириш ҳақида ўйлаб қолди.

— Тадбиркорлиқни бошлаганимда иккинчи фарзандим ҳали икки ёшга ҳам тўлмаганди. — дейди Мамлакат опа. — Дастлаб кўп қийинчиликларга дуч келдим. Қанчалик интилиб, ўз мақсадим сари илдам қадам босаверсам, тўсиқлар шу қадар кўпайиб бораверарди. Лекин ортга чекинмадим. У пайтларда тадбиркорликка йўллар ҳозиргидек очик эмас эди-да. Ҳар эшикда сарғайиб, ҳар бир



ҳужжатга қўл қўйдириш, рухсат олиш азобини эслагим келмайди. Мана сўнгги йилларда Президентимиз гамҳўрликлари остида тадбиркорларнинг кўкрагига ҳам шамол теғди. Минг шукр.

**Кичик бизнесдаги
энг яхши лойиҳа**

Табиатан ишбилармон М.Содиқова аввал туман даражасида фаолият юритган бўлса, қисқа вақт ичида

республиканинг кўллаб вилоятларидаги тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлай бошлади. Ҳам ишни, ҳам оилани эпалаётган аёл бир пайтнинг ўзида бухгалтер-иқтисодчи мутахассислиги бўйича олий ўқув юртида таҳсил олди. Ишонч билан айтишим мумкинки, натижазида маҳсулотни экспорт қила бошлади.

Меҳнат қилган инсон, албатта, унинг натижасини куради. Мамлакат Содикова 2017 йилда “Йил аёли” миллий

танловининг республика босқичида “Саноатда саодат топган йил аёли” номинацияси, орадан бир йил ўтиб, “Ўзбекистон аёлларининг юзта энг яхши лойиҳаси” танловининг “Кичик бизнесдаги энг яхши лойиҳа” номинацияси ғолиби бўлди. Ўша йилнинг ўзида “Анор – 2018” ва “Ишбилармон аёл – 2018” республика танловларида биринчи ўринни кўлга киритди.

Тадбиркор эҳтиёжманд оилаларга 118 миллион сўмлик ҳомиёлик ёрдами қилди. — Эришган ютуқларимда турмуш ўртоғимнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Мамлакат опа. — Мени кўллаб-қувватламаганда ишларим бу қадар юришиб кетмасди. Дастлаб парфюмерия маҳсулотлари сотиш билан иш бошлаганимда кўлимда аризмас чойчақа бор эди, холос. Шу боис, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган аёлларга кўлимдан келганча ёрдамлашаман. Вилоят бўйлаб бизнес маҳорат дарсларини ўтаман. Ўн нафар шогирдим бугун мустақил равишда йирик тадбиркор бўлди.

**Президент совғаси —
“SPARK” машинаси**

М.Содиқова ўтган йилнинг 20-23 сентябрь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Қирғизистон — Ўзбекистон тадбиркор аёллар мулоқоти” форумида Ўзбекистон делегацияси сафида иштирок этди. Мазкур форум давомида у қўшни давлат бизнесменлари билан мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришга доир 3,5 миллион АҚШ долларилек шартнома-ни имзолашга эришди.

“Замин мадад тайёрлов савдо” корхонасида айни кезде 15 нафар доимий ва қирққа яқин мавсумий ишчи бор. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот айир-болашани ҳисобидан биргина 2018 йилда соф фойдаси 189,4 миллион сўмни ташкил этган. Сўнгги йиллардаги даромадлари бир чамалаб кўз олдингизга келтираверинг энди...

Энг яхши иш берувчи

2021 йилнинг 11 ноябрь куни Мамлакат опа “Касаба уюшмалари куни” муносабати билан пойтахтимизда ташкил этилган байрам тадбирида “Энг яхши иш берувчи” сифатида эътироф этилди ва 3-даражали диплом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — “Spark” автомашинаси билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбиркор аёл ўтган йили “Муътабар аёл” кўкрак нишонига лойиқ деб топилди. БМТнинг “Тараққиёт” дастури доирасида бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган “Совитиш ва ҳавони кондиционерлаш соҳасидаги энг яхши стартап лойиҳа” танловининг мутлақ ғолибаси сифатида эътироф этилди.

У ҳозирда ўзининг янги инновацион лойиҳаси асосида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш орқали касаначилик асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг замонавий технологиясини жорий қилиш бўйича ишланмоқда. Агар бу лойиҳа ишга тушса, Шофёрхон ва Вобкент туманларидаги яна юз нафар аёл иш билан таъминланади.

Биз бу мақола орқали бир дақиқа бўлса-да, интилишдан толмаган бир оддий ўзбек аёлининг ҳаётидаги баъзи ютуқлари ҳақида тўхталдик. Аммо унинг қаламга олинмаган қанчадан-қанча муваффақиятлари, ишлари бисёр.

Обид Қўлдошов,**журналист**

Хуршид ФОЗИЛОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
кардиология илмий-амалий
тиббиёт маркази директори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Барча оилавий
шифокор пунктлари
ва поликлиникаларда
шифокоролди кўрик
хоналарини ташкил
қилиш ҳамда 15 минг
нафар ҳамширани махсус
курсларда ўқитиш
кўзда тутилмоқда.
Улар юрак-қон томир
касалликларини эрта
аниклаш ва асоратларининг
олдини олиш бўйича
қисқа курсларда тахсил
олади. Ҳамширалар
бирламчи билимга эга
бўлиши, касалликка мойил
шахслар билан индивидуал
ишлаб, уларда муқаррар
инфаркт, инсульт, қон
босимининг ошиши каби
хасталикларнинг олдини
олишга эришиши талаб
этилмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда кардиореабилитация тизими йўлга қўйилмагани натижасида юрак-қон томир касалликлари туфайли ногиронлик кўрсаткичи йилдан-йилга кўпайиб борапти. 2018 йилда 78,2 минг, 2019 йилда 82,4 минг, 2020 йил 86,5 минг фуқарога ногиронлик белгиланган.

Юқори технологияли тиббий хизмат сони ошган бўлса ҳам, бу борада атиги 10-30



фоиз аҳолининг эҳтиёжи қопланаяпти. Артериал гипертониянинг мақсадли кўрсаткичларига бор-йўғи 10 фоиз беморларда эришиляпти. Юрак бўлмачалари ҳилпирашининг тромбозмобилик асоратлари натижасида ривожланаётган ишемик инсульт сони юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Президентимизнинг шу йил 26 январдаги “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шу муаммоларга ечим бўлади. Қолаверса, бу ҳужжат давлатимиз раҳбарининг аҳоли саломатлигига қаратаётган эътибори, юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида инсон қадр-қиммати муҳассамлигининг исботидир.

Мазкур қарорга биноан, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида кардиология хизмати имкониятлари бутунлай ўзгариб қолди. Жумладан, бирламчи тиббиёт муассасалари томонидан даврий тиббий кўрик йўлга қўйилади ҳамда соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинади. Эҳтиёжманд аҳоли қатлами зарур дори воситалари билан бепул таъминланади.

Худудларда кўрсатилаётган юқори технология, каминвазив кардиологик ҳамда кардиожаррохлик тиббий хизматлари кўлами оширилади. Бирламчи бўғиндаги мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш, соҳада илм-фанни ривожлантириш, юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштириш каби муҳим чора-тадбирлар кардиология хизматида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг барҳам топишига хизмат қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг протоколига асосланган юрак-қон томир касалликлари хавф-стратификациясини баҳолаш учун мобил илова яратилиши бирламчи тизимдаги оилавий шифокор ва ҳамширалар ишини енгиллаштиради. Мурожатчи фуқаронинг саломатлиги тўғрисидаги барча кўрсаткичлар иловага киритилганидан кейин автоматик тарзда хавф гуруҳи аниқланади. Масалан, бемор паст, ўрта ёки юқори хавф гуруҳида бўлиши мумкин. Шунга қараб ҳар бир фуқаро учун индивидуал соғломлаштириш дастури яратилади. Унинг қачон ва неча марта шифокор кўригига бориши, таҳлил намунаси топшириши, қандай овқатланиши кераклиги, стационар даволалишига зарурат бор-йўқлиги, жисмоний фаоллиги, дори-дармонга эҳтиёжи билан боғлиқ саволларга жавоб топишда илованинг аҳамияти катта.

Қарорда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларида кардиология йўналишида юқори технологияли жаррохлик амалиётлари турини босқичма-босқич 15 дан 35 гача ошириш назарда тутилган. Келгусида марказда қилинаётган барча мураккаб жаррохлик амалиёти худудларнинг ўзида амалга оширилади. Тошкент, Фарғона, Бухоро вилоятларидаги филиалларда коронарография, стентлаш амалиёти йўлга қўйилади. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ушбу операциялар учун пойтахтга ёки чет мамлакатларга даво излаб бориши, овоз-рағарчилигига барҳам беради.



Туман, шаҳар шифохоналарини 4 турдаги кардиология ускуналари билан жиҳозлаш ҳисобига кўрсатиладиган хизмат турларининг 15 тага етказилиши эхокардиограф ёрдамида касалликни 30 дан зиёд параметр бўйича аниқлаш имконини беради. Авваллари беморлар бу масалада ҳам марказга мурожаат қилишга мажбур бўларди. Энди беморлар туман, шаҳар тиббиёт бирлашмасида стационар шароитда даволалиши мумкин. Энди ҳар ҳил аритмияларни ҳам худудларда даволаш имконияти пайдо бўлади. Олдин бу амалиётлар учун бемор Тошкентга келар ёки малакали шифокорларимизни вилоятларга жўнатишга мажбур бўлардик.

Қарорда яна бир муҳим масала кўзда тутилган. Унга кўра, йилига бир марта 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳолининг саломатлик профили баҳоланади. Бу, биринчи навбатда, саратон ва қон-томир касалликларини барвақт аниқлашга хизмат қилади. Хавф омилларини аниқлаб, уларни бартараф этганимиз юрак-қон томир касалликларининг ривожланишини тўхтатиб ёки секинлаштиради. Шунингдек, кўп тармоқли марказий поликлиникалардаги профилактика мақсадларида беморлар тақлиф қилиниб, уларга касаллиги тўғрисида тўлиқ маълумот берилади. Хасталикнинг олдини олиш, унинг белгилари, ривожланиши даражасини аниқлаш, беморни бундан хабардор этиш ва профилактика чораларини кўришга заҳирани мақсад қилинган. Бемор қандай овқатланиши кераклиги, жисмоний фаоллигининг даражаси, дори-дармон қай тартибда қа-

“ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ
ШУ ЙИЛ 26 ЯНВАРДАГИ
“ЮРАК-ҚОН ТОМИР
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ
ВА ДАВОЛАШ
СИФАТИНИ ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚАРОРИ АНА ШУ
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ
БЎЛАДИ. ҚОЛАВЕРСА, БУ
ҲУЖЖАТ ДАВЛАТИМИЗ
РАҲБАРИНИНГ АҲОЛИ
САЛОМАТЛИГИГА
ҚАРАТАЁТГАН ЭЪТИБОРИ,
ЮРТИМИЗДА ОЛИБ
БОРИЛАЁТГАН БАРЧА
ИСЛОХОТЛАР ЗАМИРИДА
ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ
МУҲАССАМЛИГИНИНГ
ИСБОТИДИР.

бул қилиши ҳам мана шу профилактика мақсадларида ўргатилади.

Барча оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларда шифокоролди кўрик хоналарини ташкил қилиш ҳамда 15 минг нафар ҳамширани махсус курсларда ўқитиш кўзда тутилмоқда. Улар юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олиш бўйича қисқа курсларда тахсил олади. Ҳамширалар бирламчи билимга эга бўлиши, касалликка мойил шахслар билан индивидуал ишлаб, уларда муқаррар инфаркт, инсульт, қон босимининг ошиши каби хасталикларнинг олдини олишга эришиши талаб этилмоқда.

Юқоридаги барча чора-тадбирлар юрак-қон томир касалликларининг олдини олишга ва юзгага келиши мумкин бўлган асоратлар кўрсаткичини кескин камайтиришга хизмат қилади. Беморларнинг овоз-рағарчилиги кескин камайд. Улар учун барча тиббий текширувлардан туман шароитида ўтиш имконияти кенгайди.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

“Бир кун келиб одамлар телефонда суҳбатдошларининг суратини кўриб гаплашадиган бўлади”, деган эди машҳур олим, телефон ихтирочиси Александр Белл. 1906 йилда айтилган бу фикрга ўша давр нуқтаи назаридан ишониш мушкул эди. Чунки ўша пайтда илм-фан бутунги кундагидек ривожланмаган. Лекин бу башорат шунчаки гап бўлиб қолмади, аксинча, XXI асрга келиб ҳаётда тўлиқ ўз ифодасини топди. Смартфонлар воситасида бир-бирининг тасвирини кўриб гаплашиш бутунги замон одамлари учун оддий ҳолга айланди.

Дарҳақиқат, илм-фан ҳеч қачон бир жойда қотиб қолган эмас. Дунё олимлари эса мудом изланишда. Шиддат билан ўтаётган замон янги ихтироларни юзга келтирмоқда. Улар эса, ўз навбатида, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланипти, инсоният фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Ахборот технологиялари ҳам замон шитобига ҳамоҳанг ривожланиб бораётган соҳалардан саналади. Бугунги ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган компьютер, смартфон, iPad, роботлар, тиббиёт ва бошқа соҳаларда қўлланилаётган электрон ускуналар, сунъий интеллект ҳамда шу каби турмушнинг фаровонлигини таъминлаётган, оғиримизни енгил қилаётган техника ва технологиялар борки, буларнинг барчаси, аввало, ахборот технологиялари соҳасида олиб бориладиган илмий изланишлар маҳсулидир.

Ахборот технологиялари бугунги кунда жуда сердаромад соҳалардан бирига айланди. “Dell Technologies”, “Cisco Systems”, “Accenture”, “Oracle”, “Fujitsu Hewlett-Packard”, “Samsung” сингари дунёга машҳур IT компаниялар ахборот технологиялари експертлари йилга миллиард-лаб доллар фойда кўради.

Бугунги кунда ана шундай компаниялар ишлаб чиқараётган техника, технологиялар ва дастурлар билан рақобатлаша оладиган IT маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш, миллий брендларини яратиш, маҳаллий ҳамда хориж бозорига етказиш мамлакатимиз иқтисодиётига катта фойда келтиради. Бу эса юртимизда замон талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош ихтирочилар, дастурчилар авлодини шакллантиришни тақозо этади.

Шу боис, кейинги йилларда Ўзбекистонда ахборот технологияси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда Тошкентда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT Park ҳамда вилоятларда унинг филиаллари очилди. Бу стартап лойиҳаларни



амалга ошириш, ёшларни дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш, қўбилияти ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Утган йили Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг Янгибозор шаҳарчасида иш бошлаган “Astrum” IT академияси ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Президентимиз 2021 йил 16 октябрда Тошкент вилоятига сафари чоғида бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечириб, академияда ўқиш истиғида бўлган ёшлар билан суҳбатлашганди.

— Агар замонга муносиб бўламан, ўз ишимни топаман, яхши яшайман десаларингиз, шу соҳани ўрганинг. Келажаққа инвестициянгиз — шу. Ҳам билим олиб, ҳам амалда таъбиқ қилиб, оилангиз, эл-юртимизга кўмакдош бўласизлар, деб ишонаман, — деган эди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга шу ерда ёшлар учун коворкинг марказ, турар жой барпо этиш бўйича кўрсатма берганди.

— Биз учун ёшлар сиёсати — биринчи ўринда. Бу ерда иқтидорли, билимли болалар ўқийди. Уларга замонавий, эркин шароит яратиш керак. Уйи ҳам, овқатланиш ҳам, спорт ҳам, дам олиш ҳам шу ерда бўлиши зарур. Давлат ташкилотлари, саноат корхоналарининг буюртмаларини шакллантириб, бу мутахассисларни иш билан таъминлаш муҳим, — деган эди давлатимиз раҳбари ўша учрашувда.

Тўрт гектардан ортиқ майдонда joyлашган академияда барча қулайликлар яратилган. Икки қаватли бино замонавий жиҳозланган, 1000 дан ортиқ замонавий компьютер билан таъминланган. Академияда коворкинг зоналар, кутубхона, спорт мажмуалари — футбол ва баскетбол майдончалари, амфитеатр,

концерт ва кино заллари мавжуд. Тез орада академия ҳудудида ётоқхона ҳам барпо этилиши кўзда тутилган. Талабаларни уйига олиб бориш ва уларни ўқишга олиб келиш учун махсус автобуслар ажратилган.

“Astrum” IT академияси таълим ва ишлаб чиқаришни қамраб олган кластер бўлиши кўзда тутилган. Мазкур академия ёшларни бугунги кунда талаб жуда юқори бўлган соҳа — IT йўналишида малакали мутахассислар қилиб етиштириш мақсадида ташкил этилди. Ёшлар аввал дастурлашни ўрганиб, кейин шу соҳада ишлайди.

“Astrum” IT QWASAR платформаси орқали таълим берувчи дунёдаги энг йирик академиялардан бири саналади. Бу ерда таълим тизими икки босқичдан иборат. Preseason — таълимнинг бирин-

чи босқичи бўлиб, у бир ой давом этади. Мазкур муддат ичида талабалар синов муддатини ўтайди ва махсус платформа орқали дастурлаш асосларини ўрганади. Уқинининг асосий босқичида тахсил олишни истаган талабгорлар бу вақт ичида ахборот технологиялари бўйича сунъий интеллект берган дарс ва топшириқларни бажариб, кўрсаткичларни қайд этиб боради. Қамида 75 фоизлик кўрсаткиччи қайд этганлар иккинчи босқичда ўқиш имкониятини қўлга киритади. Асосий курс 12 ойга мўлжалланган, лекин бу нисбий муддат бўлиб, ўқувчининг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, 6 ойдан 12 ойгача давом этиши мумкин. Яъни, асосий курсни қанча муддатда якунлаш талабанинг ўзига боғлиқ. Ушбу босқичда йўналиш танланади ва дастурлаш бўйича асосий курс бошланади.

Бугунги кунда академияда 4 та асосий йўналиш — Data Science, Frontend, Backend, Software Engineering мавжуд. Компьютер дастурлари асосан инглиз тилида бўлгани учун ўқитувчилар академияда талабаларга инглиз тили бўйича машғулотлар олиб боради. У ерда 16 ёшдан 36 ёшгача бўлган йигит ва қизлар тахсил олиши мумкин. Фақат улар мактабни тамомлаган бўлиши керак.

Академияда тахсил олишни иш ёки ўқиш билан уйғунлаштириш имконияти ҳам мавжуд, сабаби, кампус ҳар куни 24 соат давомда ишлайди. Университет талабалари ҳам ўзларига қулай вақтда келиб, бемалол IT соҳасини ўрганиши мумкин.

— “Astrum” IT академиясида барча дарслар сунъий интеллектга асосланган: компьютерларга ўрнатилган махсус платформа талабаларга етарли даражада билим беради, — дейди академия маркетинг бўлими директори Абдулазизбек Шарипов. — Компьютерларга ўрнатилган платформа орқали доимий равишда масалалар бериб борилади, талабалар уларни ечиш ва доимий равишда ўз устиди ишлаш орқали IT соҳасини ўрганади. Демокчимизки, ўқитувчилар, мутахассислар дарс бермайди. Фақат мураббийлар — менторлар талабаларга платформа билан ишлаш бўйича йўл-йўриқ бериб боради, тушунимаган жиҳатларини тушунтиради, уларни йўналтириб туради, холос. Мақсад — талабалар мустақил равишда ўз устида доимий ишлаб, изланиб, ижодкорлик ва яратувчанлик қобилиятини юзга чиқаришга имкон яратиш. Бунинг учун сунъий интеллект томонидан бериладиган вазифалар, масалалар уларнинг ана шу қўбилиятини рўёбга чиқаришга кенг йўл очади.

Шуни айтиш лозимки, мантикий фикрлаши кучли, математика фанини яхши ўзлаштирган, инглиз тилидан тушунчага эга бўлганлар ушбу академияга ўқишга кириш учун юқори имкониятга эга бўлади.

Утган йил ноябрь ойида 380 нафар ёш бир ойллик ўқув курсига қабул қилинди. Уларнинг 200 нафари имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, бир йиллик ўқиш имкониятини қўлга киритди. Яқинда яна 450 нафар ёш академиянинг биринчи босқичида ўқишни бошлади.

— Мактабда ўқиб юрган пайтимидаёқ ахборот технологияларига жуда қизиқардим, — дейди академия талабаси Асадбек Исмоилов. — Ана шу қизиқишим мени янги фаолият бошлаган “Astrum” IT академиясига борлади. Бир ойллик ўқишда ўзимнинг билим ва мантикий кўникмаларимга таяниб, юз фоизлик натижа билан академиянинг асосий босқичида ўқишга қабул қилиндим. Бу ерда бизнинг билим олишимиз учун барча шароит яратилган. Компьютерларда ўрнатилган платформада сунъий интеллект орқали IT бўйича замонавий билим оляпмиз. Компьютер учун дастурлар яратишни ҳам ўрганаймиз. Келажақда ўз устиди ишлаб, барча соҳалар учун керакли янги дастурлар ишлаб чиқоқчиман.

Бир йиллик ўқишни тамомлаган битирувчиларга AQШдаги “Кремний водийси”нинг халқаро сертификатини (“QWASAR Silicon Valley”) берилади. Маълумки, “Кремний водийси” Калифорния (AQШ) штатидаги Сан-Франциско шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида joyлашган инновациялар маркази. Бу — компьютерлар ва унинг таркибий қисмлари, микропроцессорлар ҳамда дастурий таъминотлар, мобил алоқа қурилмалари, биотехнологиялар ишлаб чиқариладиган юқори технология компаниялар зич joyлашган ҳудуд. Дунёдаги бошқа мамлакатларда ҳам бир қатор бошқа инновация кластерлар яратилган бўлса-да, AQШнинг “Кремний водийси” шундай турдаги марказлар етакчиси бўлиб қолмоқда.

Шундай экан, “Кремний водийси”нинг халқаро сертификати бу академия битирувчиларига дастурий таъминот ишлаб чиқарадиган исталган нуфузли хорижий компанияда ишлаш имкониятини беради. Албатта, бунда талабаларнинг салоҳияти ҳам ҳисобга олинади. Академия жаҳоннинг кўплаб компаниялари билан келишув-меморандумлар имзолаган. Ҳозирда битирувчиларни ишга олишга тайёр бўлган қатор компаниялар мавжуд бўлиб, уларда 700 та бўш иш ўрни шакллантирилган. Келгусида бу кўрсаткични янада ошириш мақсад қилинган.

Сунгги сўз ўрнида “аструм” сўзига эътиборингизни қаратмоқчимиз. “Astrum” қадимги латин тилида “юлдуз” деган маънони англатади. Модомки шундай экан, мазкур академия ўз номига муносиб тарзда талабаларнинг ахборот технологиялари илмини пухта ўзлаштириб, юксак чўққиларни забт этишида йўлчи юлдуз, ёритувчи машъала бўлишига ишонамиз.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Чандер Шекхар: “ЎЗБЕК ВА ҲИНД МАДАНИЯТИДА МУШТАРАКЛИК КЎП”



2021 йилда мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаган бўлса, Ҳиндистоннинг истиқлолга эришганига 75 йил тўлди. Мақолани икки давлатнинг мустақиллик саналари билан бошлаганимиз бежиз эмас. Мустақилликка эришганимиздан сўнг икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янгича тус олди, жадал ривожланди.

Ҳиндистон мустақиллигимизни биринчилардан бўлиб тан олган давлат ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилиши эса 1992 йилнинг 18 мартда Тошкентда имзоланган баённома билан боғлиқ. Ҳиндистонда ўша йили очилган Ўзбекистон Республикаси Консулхонаси 1994 йилда элчихонага айлантирилди. Ўз навбатида, 1988 йил август ойда пойтахтимизда очилган Ҳиндистон Бош консуллиги ҳам 1992 йилда элчихона мақомини олди.



Ўзбек-ҳинд муносабатлари қадимдан дўстоналик касб этиб келади. Абу Райхон Беруний “Ҳиндистон” асарида ҳинд халқи табиати, тарихи, фалсафий ва диний қарашлари, шунингдек, турмуш тарзи ҳақида ёзиб қолдирган. Буюк аждодимиз Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ҳам бу азалий ришталар тарихини очиб беришда қимматли манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь кuni видеоанжуман шаклида ўтган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммитида “Минг йиллар мобайнида халқларимиз ўртасида фаол гуманитар алмашинувлар ва савдо алоқалари бўлган. Маданиятларимиз, анъаналаримиз ва маънавий қадриятларимиз бир-бирини бойитиб келган”, дея алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз маданияти бир-бирига гоят ўхшаш. XV-XVI асрларда қўллаб ўзбеклар Ҳинд маданият маркази раҳбари, профессор Чандер Шекхар. — Ҳар йили маданият марказимиз ташкил топган санани кенг нишонлаймиз. У 25 ёшга тўлганида Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши раиси Виней Сахасрабдудхе Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида жуда кўп махаллий вазирлар билан ўзаро музокаралар олиб борди. Бу, албатта, Ўзбекистон ҳукуматининг Ҳиндистонга бўлган юксак ҳурматидан далолат. Қолаверса, ўзбек дўстларимиз жуда меҳмондўст ва инсоний қадриятлари гоят эъзозлайдиган халқ. Бу уларнинг ниҳоятда тарбияли ва маданиятли эканини англатади. Бутун мамлакат тинчликка, севига, ўзаро муҳаббатга ишонади. Президент Шавкат Мирзиёев эса, ташқи сийosatда дунёдаги барча мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни одилона йўл ҳисоблайди. Ўзбекистонда дунё халқлари, жумладан, ҳинд адабиёти, маданияти ва санъати ҳам жуда қадрланади, тарғиб қилинади. Булар бари давлатнинг юксак инсонпарварлик сийosatидан дараж беради.

Ҳинд маданият маркази раҳбарининг гапларида жон бор. Дарҳақиқат, юртдошларимиз орасида Ҳиндистонга бориб келганлар талайгина. Албатта, инсон қайси мамлакатга, қай бир сабаб билан бормасин, табиий равишда ўша жойнинг урф-одати, маданиятига гувоҳ бўлади, айрим жиҳатлардан ҳайратланади, ўрни келганда қувонади, ўрганади.

Лал Баҳадур Шастри номидаги Ҳинд маданият марказида бўлганимизда, ўзбекистонлик талаба қизлар, аёллар ҳинд куй-қўшиқлари, рақсларини ўрганаётганига гувоҳ бўлдик. Марказда бундан ташқари йога машғулотлари, табла, ҳинд тили дарслари ҳам мунтазам олиб борилад экан. Хусусан, йога машғулотларига қатнашиш борасида талабалар учун қулайлик шуки, бунда вақт катта аҳамиятга эга

эмас. Акс ҳолда йогадан эрталаб, тушда, кечқурунги вақтда шуғулланилса ҳам бир хил самарага эришилмасди. У билан доимий равишда шуғулланиш эса ички органларни машқ қилдиришга ёрдам бериши билан аҳамиятли. Йога, шунингдек, овқат ҳазм бўлишини яхшилаши, организмдан токсинлар чиқиш кетишини кучайтириши билан ҳам соғломлаштириш буйича ноёб тизим ҳисобланади. Энг муҳими, йога — соғлом турмуш тарзини юритишга ёрдам беради. Шунингдек, унинг инсон руҳиятида ҳам ўрни борки, у ички дунёни

фаол ҳамкорлик олиб бориляпти. Буни Ҳинд маданият марказининг юртимиз олийгоҳлари билан илмий ҳамкорлиги қўламини тобора ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик университети билан доимий алоқалар ўрнатилган. Университетда алоҳида Махатма Ганди маркази, 5 та факультет очилган. 1961 йилда университет ўқитувчилари Тошмирза Холмирзаев ва Суръат Мирқосимов Ҳиндистонда таҳсил олишган. Суръат Мирқосимов Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги биринчи элчиси бўлган.



гизга кириш ва ўзингизни яхши англаб етишда муҳим омил бўлади. Айниқса, тушқунликдан чиқиш, хотиржам ва мулоҳазали бўлишда ундан фойдаланиш яхши натижа беради. Шу маънода, ўтган йилнинг июнь ойда Маданият вазири билан ҳамкорликда бир ҳафталик онлайн курслар ўтказилгани бежиз эмас.

Ўзбекистон давлат Консерваторияси ва Тошкент дизайн технология коллежида ташкил қилинган курсларга Аҳмадобдодга энг машҳур мусиқачи Сунира Каслива ҳам жалб этилди. Унинг мусиқа асбоблари юзасидан ўтган маҳорат дарслари, куйлаб берган қўшиқлари ўзбек талабаларида ҳинд маданиятига қизиқишни янада оширгани аниқ. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, Сунира Каслива Ўзбекистонга 2005 йилда ҳам ташриф буюрган.

Бугун Ҳиндистон билан нафақат маданий соҳада, балки илмий соҳада ҳам

Ҳозирда иккиси ҳам университетда фаолият олиб боришади. Мамлакатларимиз ўртасидаги илмий алоқаларга алоҳида эътибор берилаётгани, илмий натижалар самарадорлиги ҳам кўрсатиб турибди. Бу борадаги ҳамкорлик Тошкентда Ҳиндистондаги Амйти ва Андижонда Шарда университетлари филиали очилиши билан янги босқичга кўтарилди. Тошкентда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки иш бошлади.

Ҳиндистонда ҳам ўзбек тили ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш юқори экани Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси кўмағида Жамия Миллия Исломия университетида ўзбек тили ва маданияти бўлими очилганида ўз аксини топди. Деҳлида Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти фаолияти қайта тикланди.

IT, компьютер соҳаси анча ривожлангани учун Ҳиндистонга борган



ўзбек талабаларининг келажақда Ўзбекистонга келиб, замон талабларига мос, янгича услубларда фаолият олиб бориши ҳаммамизни қувонтиради, албатта. Айни пайтда ташаббус билан чиққан Самарқанд ва Бухоро давлат университетларида ҳам ҳинд тили ўқитилляпти. Грант асосида ўзбек талабаларини Ҳиндистонга бепул билим олишга жўбориш 1991 йилдан буюн мунтазам йўлга қўйилган. Мустақилликдан аввал ҳам Шарқ олимлари ҳинд тилини ўрганиш учун Ҳиндистонга бориб, тадқиқотлар ўтказишган. Ҳозирда 2000 га яқин ўзбек талабаси ушбу мамлакатда таҳсил оляпти.

Биз жойлардаги, асосан, олийгоҳларда очилган ҳиндхоналарига кўмаклашамиз, улар эса, мустақил фаолият юритишади, — дейди Чандер Шекхар. — Улар билан ҳоимий сифатида ҳамкорлик қиламиз, китоблар, смарт доскалар, компьютерлар билан таъминлаймиз.

Дарҳақиқат, Ҳинд маданият маркази томонидан олийгоҳларимизда ташкил этилган ҳиндхоналарига ҳинд тили, маданиятини ўргатиш борасида кераклича амалий ёрдам кўрсатилляпти. Хусусан, Урганч давлат университетидаги яқиндагина Марказ томонидан 400 дан зиёд китоблар етказиб берилди. Бухоролик, қўқонлик қўллаб педагог ва талабалар ҳам марказ фаолиятидан миннатдор.

Ҳиндистон билан таълим борасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, тахминан 60 йилдан буюн ҳинд тили ўргатиб келинаётган пойтахтимиздаги 24-умумтаълим мактабини алоҳида тилга олиш жоиз. Мактаб собиқ иттифоқ давридан ҳинд тилига ихтисослашган бўлиб, бу ерга Лал Баҳадур Шастрининг хайкали ҳам ўрнатилган. Кейинги йилларда мактабда ҳинд тили дарслари олиб ташланиб, умумий ўрта таълим мактабига айлантирилган эди. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан мактабнинг яна ҳинд тилига ихтисослашгани ўзбек-ҳинд муносабатларини янада ривожлантиришнинг амалдаги бир кўриниши бўлди. Зеро, ушбу таълим даргоҳида ўзбек болаларига ҳинд тили, Ҳиндистон маданиятини севувчи ва шарқшунос олимлар томонидан ўргатилган ва айнан уларнинг ташаббуси билан мактаб ҳинд тилини ўргатишга ихтисослаштирилган.

Умуман олганда, Ҳиндистон билан ҳамкорлиқни ривожлантириш мамлакатимиз ташқи сийosatининг устувор йўналишларидан бири экан, ушбу давлат билан дўстона алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораверади. Нафақат маданий ёки илмий соҳада, иқтисодий соҳадаги қатор ҳамкорликлар ҳам янада ривож топаверади. Бугунга келиб Тошкент билан ушбу мамлакатнинг бир неча шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ортиб бораётгани, Ўзбекистон — Ҳиндистон савдо уйи, тадбиркорлиқни ривожлантириш маркази пойтахтимизда фаолият олиб бораётгани фикримиз далилидир. Чунончи, Бобурийлар даврида 13 та савдо қарвон йўллари орқали бир-бири билан мустаҳкам алоқа ўрната олган икки давлатнинг бундан кейинги кенг қўламли алоқалари ҳам хайрли, истиқболли бўлади. Бу борада эса, Ҳинд маданият маркази ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этади.

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

БОҚИЙ МЕРОС

ҲУНАРМАНДЧИЛИК миллийлик тараннуми, бандлик ва туризм ривожиди муҳим йўналиш

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Миллий ҳунармандчилигимиз азалдан дунёга маълум ва машҳур. Асрлар оша сайқалланиб келаётган каштачилик, култочилик, ўймакорлик маҳсулотлари намуналари бугун ноёб санъат дурдоналари сифатида эътироф этилади. Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда халқ амалий санъатини янада ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли уста ҳунармандлар сафи кенгайиб, аждодларимиз яратган миллий маҳсулотларни қайта тиклаш ва дунёга кенг тарғиб этиш имконияти яратилмоқда.



Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ана шундай улкан мақсадларга йўналтирилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мазкур ҳужжатда маҳаллабай ишлаш орқали фойдаланилмаётган имкониятларни тўла ишга солиш, ҳунармандлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизимини кенгайтириш, ҳунармандчилик маҳсулотлари учун янги бозорлар топиш йўллари кўрсатилган. Шунингдек, аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, “уста-шоғирд” анъаналари асосида маҳаллаларда ёшларга ҳунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, пировардида камбағалликни қисқартиришга эришиш борасида аниқ вазифалар белгиланган.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда мамлакатимизда уста ҳунармандлар сони 7 баробарга, шоғирдлар 9 баробарга кўпайди. Соҳада банд бўлганлар сони эса 230 минг нафарга етди. Шунингдек, 1,5 мингга яқин ҳунарманд туризм реестрига киритилган.

Эътибор ва эътироф фақат қоғозларда эмас, амалда рўй бераётгани соҳада фаолият кўрсатаётган юртдошларимизни чинакамига руҳлантириб юборди, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиги ўринбосари Санобар Мадаминова. — Бундан атиги бир неча йиллар олдин уюшмамиз аъзолари сони 272 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб улар 5 баробар кўпайди. Энг муҳими, шу йўналишда тадбиркорлигини йўлга қўйиш истағида бўлган фуқаролар банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Оролбўйида ҳунармандчилик билан шуғулланаётган ёки ушбу фаолиятни йўлга қўйиш истағидаги фуқароларга давлатимиз томонидан берилаётган имтиёз ва яратилаётган имкониятлар борасида аҳоли ўртасида кенг қамровли ташвиқот ишлари олиб борилаётир. Бунда “Ҳунарманд” уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси фаоллик кўрсатмоқда.

2016 йилдан буюн уюшма аъзоси ман. Хотин-қизлар учун миллий кийимлар тикши билан шуғулланаман, — дейди Кеғейли туманилик ҳунарманд Гулзар Даулетова. — Биз, соҳа вакилларига берилаётган қўллаб-қувватлаш ва қўлайликлар фаолиятимизнинг жадал ривожига асосий омил бўлмоқда. Ҳозирги пайтда 4 нафар хотин-қиз бандлигини таъминладим, маҳалламиз қизларига касбимиз сир-асорларини ўргатаямман. Шоғирдларимдан 2 нафари мустақил равишда ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Қарорга мувофиқ, ҳунармандчилик субъектлари фаолияти учун зарур бўлган мис, олтин, қумуш каби хомашё турларини уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, чекланган миқдорда харид қилишларига имконият яратиш мақсадида шу йилнинг март ойдан бошлаб товар-хомашё биржасининг ҳунармандлар учун алоҳида савдолари ташкил этилади.

Бу енгиллик мен каби қўллаб-заргарларни узоқ йиллардан буюн қийнаб келаётган муаммага ечим бўлди. Ҳақиқатан, заргарлик буюмларини ясашда хомашё

йўқлигидан қийналардик, — дейди чимбойлик заргар Адил Тажимуратов. — Энди рангли металлларни эҳтиёжимизга яраша сотиб оламиз. Шу пайтга қадар аялган бўлган тартибга кўра, бу маҳсулотни биржа орқали оладиган бўлсак, тонналаб олишимиз лозим бўларди. Бунга имкониятимиз ҳам, катта миқдордаги рангли металлларга эҳтиёжимиз ҳам йўқ эди.

Адил Тажимуратов ушбу ҳунар билан 20 йилдан буюн шуғулланади. Бугун у қорақалпоқ хотин-қизларининг миллий тақинчоқ буюмларини ясашда шоғирдлар ҳам тайёрланади.

Шуманайлик ҳунарманд Алтинай Наубетова кигиз тайёрлаш бўйича ўз бизнесига асос солган. Шу билан бирга, у ёшларга ҳам бу ҳунар сирларини ўргатмоқда. Алтинай опанинг шоғирдлари Мўйноқ, Бўзатов, Қораўзақ, Тахтақўпри, Чимбой туманларига ҳам бор. Эндиликда қарор асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган халқ амалий санъати усталарига зарур хомашё сотиб олиш ва шоғирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда субсидиялар бериладиган бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилаётган тадбирлар ва фестивалларда ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари кўргазмаларини ташкил қилмоқда.

Маҳсулотларимизга харидор топиш ҳам осон иш эмас. Қарор асосида шоғирдларга зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш, усталарга интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоиз қисмига субсидия бериладиган бўлди, — дейди Алтинай Наубетова. — Аҳамиятлани, олиндиған субсидиялар базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоригача белгиланган.

Қарор ижроси доирасида 2022 йилда Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун ихтисослаштирилган савдо павильонлари ташкил этилади.

Эндиликда “Ҳунарманд” уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан Эллиққалъа туманидаги Жалололдин Манғуларидан қўллаб-қувватлаш бўлими, кигиз, пўстин, чўғирма, ёғоч ўймакорлиги буюмларини тайёрлашга ихтисослашган “Ҳунармандлар шаҳарчаси” ташкил этилиб, сайёҳлик йўналишларига киритилади. Шу билан бирга, эски қорақалпоқ миллий “кўк кўйлаг”ни қайта тиклаш, ушбу йўналишда иш олиб борадиган ҳунармандларга зарур шaroитлар яратиш мақсадида Ҳўжайли туманида “Ҳунармандлар маркази” фаолияти йўлга қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, биргина Оролбўйида миллий меросимизни қайта тиклаш ва шу орқали бандлигини таъминлашга қаратилган сайёҳ-ҳаракатлар амалда ўз самарасини берапти. Моҳир усталаримиз қўлидан чиқаётган ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари дунёнинг нуфузли кўргазмаларига намойиш этилиб, хайрату эътирофларга сазовор бўлмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 211

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усулида** босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

18715 нусхада босилди.
“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎЗА якуни — 22:35 Топширилди — 22:55